# ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ҲОЗИРГИ КУНДАГИ ЎРНИ

***Абдуназаров Севдиёр Дилшод ўғли***
*Гулистон шаҳар ИИБ ҳузуридаги*
*Тергов бўлими терговчиси*

## АНОТАТЦИЯ

Ушбу мақола орқали муаллиф жиноятчиликка қарши курашишда ва ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилишда ҳуқуқий онгнинг ва ҳуқуқий мадааниятнинг тутган ўрнини, ҳозирги кунда мамалакатимизда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чиқарилган қонун ҳужжатлари ва адабиётларга таянган ҳолда мазкур мавзуни ҳуқуқий таҳлилини ёритиб ўтади.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий негилизм, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликни жиловлаш.

Жиноятчиликка нисбатан муросасизлик маданиятини шакллантириш, ҳуқуқий нигилизмга барҳам бериш ва фуқароларнинг қонунга итоаткорлик хулқ-атворини оммалаштиришга қаратилган, шу жумладан ички ишлар органлари таянч пунктлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат идоралари ва ташкилотларида «очиқ эшиклар куни»ни ташкил этиш орқали тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш каби тадбирлар амалга оширилмоқда[1].

Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ва адолатли фуқоролик жамиятни шакиллантириш йўлида дадил бориб, жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Барқаролик ва тартиб, миллатлароро тотувлик ва фуқоролар аҳиллиги туфайли ёш давлатимиз ишончи ва ҳурматига сазовор бўлишида профилактика инспектори томонидан ҳуқуқбузарликларга муросасизлик маданиятини шакллантириш, фуқароларнинг қонунга итоаткорлик хулқ-атворини оммалаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, шу жумладан ички ишлар органлари таянч пунктлари иш фаолиятида, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат идоралари ва ташкилотларида тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш орқали “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни” ўтказиш фаолиятини ташкил этади.

Шуни такидлаш жоизки, биз бугунги кунда жамиятда ҳуқуқий маданиятининг барча таркибий қисимлари мукаммал амалга оширилаяпти деб айта олмаймиз. Бу борада фуқороларнинг ҳуқуқий маданиятини

**[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон Қарори.**

шакиллантириш ва қонунга итаоткорлик рухида яшашга ундайдиган асосий хусусиятлар шакиллантирилиши керак:

- ҳуқуқий нормалар мазмунини мукаммал билиши;
- қонунга ва ҳуқуқий талабларга чуқур ҳурматда бўлиши хиссини уйғотиш;
- ҳуқуқий нормалар мазмунини мукаммал билиши;
- қонунга ва ҳуқуқий талабларга чуқур ҳурматда бўлиши хиссини уйғотиш;
- ҳуқуқий воқелик ва институтларни тўғри англаш ҳамда тўғри тушунтириш;
- юксак ижтимоий ҳуқуқий фаоллик;
- ҳуқуқни ижобий ижтимоий ўзгаришлар ва инсон манфаатларини муҳофазаловчи восита (қадрият) сифатада баҳолаш ва унга амал қилиш;
- ҳуқуқий мэёрлар талабига иҳтиёрий тарзда, ички этиқод амри билан риоя этиш ва бошқалар. [2]

Шахснинг ҳуқуқий маданиятини тавсифловчи барча хислатлар эса тўғридан тўғри жамият ҳуқуқий маданиятининг барча таркибий тасири остида шакилланади.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, жамият ҳуқуқий маданиятининг таркибий қисимларидаги барча ижобий, шу билан бир қаторда, салбий ҳолатлар келажак авлод ҳуқуқий маданиятини шакиллантириш ва ўзгартиришга, албатта ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Шунинг учун ҳам келажак авлод ҳуқуқий маданиятини шакиллантириш ва юксалтириш аввалламбор, жамият ҳаёти ҳуқуқий маданиятининг ҳар бир таркибий қисмини мунтазам равишда такомиллаштириб боришни тақазо этади. Шундай экан,биз жамият ҳуқуқий маданиятининг ҳар бир таркибий қисмида мавжуд бўлган муаммоларини ўз вақтида аниқлашимиз ва ҳал этишимиз ҳамда уларни янада такомиллаштириш борасида мунтазам равишда профилактика инспектори иш олиб бориши зарур[3].

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон Қарори.
2. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, тахлил қилиш ва бартараф этиш. Ўқув қўлланма Т. 2017 йил Б-82
3. Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, тахлил қилиш ва бартараф этиш. Ўқув қўлланма Т. 2017. Б-82


[2] Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, тахлил қилиш ва бартараф этиш. Ўқув қўлланма Т. 2017 йил Б-82

[3] Ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, тахлил қилиш ва бартараф этиш. Ўқув қўлланма Т. 2017. Б-82